

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

АБДУХАКИМОВ МУРОДУЛЛО ТОҒАЕВИЧ

**ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Абдухакимов Муродулло Тогаевич

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари.....5-26

Абдухакимов Муродулло Тогаевич

Вопросы совершенствования прокурорского надзора за исполнением в сфере исполнения законодательства о земле.....27-49

Abdukhakimov Murodullo Togayevich

Issues of improving the prosecutor's supervision over the execution in the field of enforcement of land legislation50-54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55-57

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

АБДУХАКИМОВ МУРОДУЛЛО ТОҒАЕВИЧ

**ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Үу591 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Мамасиддиқов Музаффаржон
Мусаҷонович**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳимов Фаҳри Хайдарович
юридик фанлар доктори, профессор

Файзиев Шухрат Хасанович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үу.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 02 август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. e-mail: info@proacademy.uz)

Диссертация автореферати 2023 йил 21 июль куни тарқатилди.
(2023 йил 21 июлдаги 5-рақамли реестр баённомаси).

Ш.А. Қулматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси в.б., юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И. Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А. Аминҷонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (PhD) фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда анъанавий равишда ишлаб чиқариш омили ҳисобланган ер - озуқа топиш ва инфратузилмани ривожлантириш учун асос бўлиб келган ҳамда турли давлат хизматларини кўрсатиш учун жуда муҳимдир. Ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, очлик, қашшоқлик ва фаровонлик даражасига ердан самарали фойдаланиш ўз таъсирини ўтказди. Дунё аҳолисининг ўсиши билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган ерлар ҳажми ҳам пасайиб бормоқда. Масалан, Осиё мамлакатларида биргина 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш 1961 йилдагига қараганда уч бараварга қисқарган. Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотига аъзо бўлган давлатлар ер ва биноларининг жами қиймати 249 триллион АҚШ долларини ташкил этиши, дунёда ернинг қиймати ошиб бориши, айрим гуруҳларнинг ердан фойдаланиш ва уни қўлга киритиш учун турли коррупцион схемаларни ишлаб чиқишга бўлган хатти-ҳаракатларнинг ривожланиб бориши ер соҳасида қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, бу соҳада қонун бузилишларни олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳонда ер майдонларини асраб-авайлаш, ерлардан ўзбошимчалик билан ва ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига омил бўлувчи сабабларни аниқлаш, ердан фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, бу борада ер муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ижроси устидан қатъий давлат ва жамоат назоратини кучайтириш, бу соҳада прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий-амалий тадқиқот ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда ердан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, ерни муҳофаза қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилишига қарамадан, ҳудудларда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатларининг учраётганлиги ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалаларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Айниқса, экин ерлари республика умумий ер майдонининг (44,8 млн. гектар) атиги 9,7 фоизини (4,3 млн. гектар) ташкил этиши, экин ерларининг ҳам фақатгина 3,2 млн. гектари суғориладиган ерлар ҳисобланиб, ердан фойдаланишдаги масъулиятсизлик, ўзибўларчилик ва ноқонуний ҳолатлар оқибатида бундай ерлар ҳам йилдан йилга камайиб бораётганлиги бу соҳада қонунийликни таъминлашга масъул бўлган прокуратура органларидан соҳада назоратни янада кучайтириш заруратини юзага келтирмоқда. Прокуратура органлари томонидан сўнгги икки йил давомида 43 996 та ҳолатда 13 872 гектар ер майдонлари ўзбошимчалик билан

эгалланган ҳамда 59 049 та ҳолатда 4 764 гектар экин ерларида ноқонуний қурилмалар қурилганлиги аниқланган. Республикада 22 470 гектар қишлоқ хўжалиги ерларини талон - торож қилиш билан боғлиқ 957 та жиноят ишлари қўзғатилган. Бироқ, амалга оширилган ишларга қарамасдан, ерларни талон-торож қилиш ҳолатлари камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Бундай шароитда ерга оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш мақсадида соҳада прокурор назоратининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998), “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019), “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021), “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармонлари, “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2022) Қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғи ва мавзуга оид бошқа қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан прокурор назоратини самарали ташкил қилиш борасида илмий ва назарий изланишлар муҳим ўрин тутса-да, бироқ ушбу соҳа илмий жиҳатдан комплекс тадқиқ қилинмаган.

Ўзбекистонда Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, З.С.Ибрагимов, Т.Мирзаев, О.М.Мадалиев, Т.А.Умаров, И.А.Жўраев, А.Б.Комилов, А.А.Махмудов, Ф.Р.Самиғжонов, Ш.Ж.Рахимов ва К.К.Мардоновларнинг тадқиқот ишларида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, прокурор назоратини ташкил қилиш, прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш ва прокуратура фаолиятининг асосий вазифа ва принциплари ҳамда жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органларининг ролини оширишга доир масалалар ёритилган.

Шунингдек, ер қонунчилигини такомиллаштириш ва ушбу соҳанинг экология-ҳуқуқий жиҳатлари мамлакатимизнинг кўзга кўринган ҳуқуқшунос

олимлари Й.О.Жўраев, А.Н.Нигматов, М.Б.Усмонов, Н.К.Скрипников, Ш.Х.Файзиев, Ж.Т.Холмўминов, О.Х.Нарзуллаев, Б.Х.Калонов, У.Т.Аюбов, Х.Р.Исанов, Р.А.Икромов, Х.Хайитов ва У.Сайдахмедовнинг илмий ишларида қисман тадқиқ этилган. Ушбу олимлар томонидан ер, экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқининг умумий асослари, ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари масалалари ўрганилган. Бироқ, мазкур изланишларда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос жиҳатлари ва ушбу назоратни такомиллаштириш масалалари монографик тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Бундан ташқари, МДҲга аъзо давлатларда ер тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг айрим бир жиҳатлари Ю.Г.Червякова, Т.Б.Ашиткова, О.В.Калугина, А.Д.Берензон, В.Г.Бессарабов, А.А.Чертова, В.И.Басков, С.Н.Бабаев, М.Н.Мирошниченко, М.В.Клепопосова, Е.Б.Хатова, В.А.Алиев, Е.С.Болтанова, И.С.Викторов, Р.М.Гасанов, А.Ю.Винокуров, К.Ю.Винокуров, А.Х.Казарина, С.В.Маслованинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Бироқ, айрим хорижий давлатларда ер тўғрисидаги қонунлар ижроси прокуратура органларининг умумий назорат йўналишидаги бир тармоғи бўлганлиги сабабли, ушбу мавзу умумий асосларда ёритилган ҳолос.

Хорижлик олимлардан Ж.А.Маккензе, Б.Макфарлейн, М.Диксон, Е.Кук ва бошқа олимлар ер ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш жараёни билан боғлиқ айрим илмий қарашларини баён қилиб ўтишган бўлсада, бироқ, мазкур соҳада прокурор назоратини амалга ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб боришмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг тадқиқот режасига киритилган ва илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган (2021-2023).

Тадқиқотнинг мақсади ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича назарий қоидалар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ер тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предмети ва объектининг илмий-назарий асосларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасидаги ер ислохотлари ҳамда ерга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий тартибга солинишини илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш;

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг хусусиятларини таҳлил қилиш, қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўйича прокурор назоратини ташкил этишнинг илмий асосланган услубларини ишлаб чиқиш;

прокуратура органлари томонидан ер соҳаси билан боғлиқ қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини ўрганиш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан прокурор назорат ҳужжатларини қўллашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатлар прокуратуралари томонидан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш юзасидан назоратни амалга ошириш хусусиятларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш асосида ижобий тажрибани мамлакатимиз қонунчилиги ва амалиётига татбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

прокурорнинг ер соҳасида назоратни амалга оширишда бошқа давлат назорат органлари билан ўзаро муносабатлари ҳамда соҳада прокурор назоратини такомиллаштиришнинг ўзига хос айрим жиҳатларини ёритиш;

прокуратура органларида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан амалга ошириладиган назоратнинг мавжуд ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш орқали уларни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсия ва таклифларни шакллантириш.

Тадқиқот объекти ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тизимли тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини илмий шарҳлаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг ер майдонларини, айниқса, суғориладиган ерларни ишончли муҳофаза қилиш, ерларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига, ноқонуний қурилишлар қилинишига йўл қўймаслик, ердан қонуний фойдаланувчи фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам бериш тамойиллари асосида ташкил этилиши зарурлиги илмий исботланган;

прокурор назоратини ташкил этишда прокурорлар эътибори ерларни талон-торож қилинишини олдини олиш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни ва имкониятларни яратиш, ерлардан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини қатъий қўллашга қаратилиши лозимлиги илмий асослаб берилган;

республика, вилоят ва туман прокуратуралари ҳамда ихтисослаштирилган прокуратураларда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатларнинг доирасини ва

чегарасини белгилаш, улар фаолиятини тўғри ташкил қилишнинг ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш борасидаги масъулиятини кучайтириш лозимлиги асослантирилган; прокурор назорати самарадорлигини кучайтириш учун ердан фойдаланувчилар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш чораларини кўриш, ерларнинг талон-торож қилинишини олдини олишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш зарурлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ердан ўзбошимчалик билан ва ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни зудлик билан қабул қилиш ва кўриб чиқишда кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида “E-YER NAZORAT” электрон ахборот тизими ишлаб чиқилган;

Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан прокуратура органларига юбориладиган маълумотлар, жиноят аломатлари аниқланган ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш, “E-YER NAZORAT” тизимига кўзғатилган жиноят ишлари ҳақидаги маълумотларни киритишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ўртасида расмийлаштирилган “Ерлардан мақсадли фойдаланиш ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида қонунийликни таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида”ги Тартиб ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармасининг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини назарда тутиш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 10 мартдаги 261-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

Бош прокуратура таркибидаги Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармасининг номланиши бугунги кунда прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат йўналишидаги вазифа ва функцияларини тўлиқ ўзида акс эттирмаслиги исботлаб берилиб, Бошқарманинг номини “Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат бошқармаси” деб қайта номлаш таклифи асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Табиий кўлларда балиқчиликни ривожлантириш ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 262-сонли буйруғининг 1-боби “Умумий қоидалар” (1-б-бандлар); 2-боби “Бошқарманинг вазифалари ва функциялари (7-8-бандлар); 3-боби “Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги (9-10-бандлар)” ҳақидаги қоидаларнинг ишлаб чиқилишида инобатга олинган;

захира ерлар тоифасига ҳокимликлар томонидан бир субъектдан вақтинча қайтарилган ерлар кирмаслиги илмий жиҳатдан асослаб берилган ва

хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига янги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган қайта тақсимланадиган ерлар” деб номланган 58¹-модда билан тўлдириш таклифи асослантирилган;

ер қонунчилиги соҳасидаги давлат назорати, шу жумладан прокурор назоратининг предмети мамлакатимиз Ер кодексининг 83¹-моддасида ўз ифодасини топиши лозимлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августда қабул қилинган “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига “Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш” деб номланган янги 229⁶-модда киритиш, ер участкаларини, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жавобгарликни кучайтиришга қаратилган нормаларни киритиш таклиф ишлаб чиқилган;

бугунги кунда ер ости бойликларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари кўплаб содир қилинаётганлиги, ушбу соҳада ягона тергов ва суд амалиёти йўқлиги илмий жиҳатдан исботлаб берилиб, Жиноят кодексига янги “Қимматбаҳо металллар ёки қимматбаҳо тошларни ноқонуний қазиб олиш, қайта ишлаш (аффинаж) ёки ўтказиш” билан боғлиқ 197³-модда билан тўлдириш таклифи асослантирилган;

Фуқаролик процессуал кодексининг “Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” тўғрисидаги 25¹-бобига ўзбошимчалик билан эгалланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қайтариш ва бундай ер участкаларида қурилган уй-жой, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк объектларини бузиш билан боғлиқ ишлар соддалаштирилган тартибда, қисқартирилган муддатларда кўриб чиқилиши билан боғлиқ қоидаларни киритиш ҳақидаги таклифи асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги алоҳида соҳавий буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш асосида ҳамда тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳамда олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, эришилган натижаларининг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, амалиётга жорий қилинганлиги ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Бундан ташқари, тадқиқот ишида мамлакатимиз прокуратура органлари томонидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси бўйича ўтказилган

230 та текшириш ва таҳлил материаллари, улар бўйича қўлланилган 4 985 та прокурор назорати ҳужжатларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлардан ердан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик устидан назоратни такомиллаштириш, ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитиш ҳамда илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан мамлакатимиз прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишда, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчилари, ТДЮУ, ЖХУ, юридик факультетлар талабалари учун турли ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасаларида “Прокурор назорати”, “Ер ҳуқуқи”, “Экология ҳуқуқи” модулларидан маъруза ва амалий машғулотлар ўтиш, илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида куйидаги таклифлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди:

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назорати ер майдонларини, айниқса, суғориладиган ерларни ишончли муҳофаза қилиш, ерларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига, ноқонуний қурилишлар қилинишига йўл қўймаслик, ердан қонуний фойдаланувчи фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам бериш тамойили асосида ташкил этилиши тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон Қарорини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2021 йил 31 майдаги 11/6/21-332-сонли далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида прокурор назоратни янада кучайтиришни таъминлашга имкон берган;

прокурор назоратини ташкил этишда прокурорлар эътибори ерларни талон-торож қилинишини олдини олиш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни ва имкониятларни яратиш, ерлардан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини қатъий қўллашга қаратилиши лозимлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 10 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ер ресурслари талон-тарож қилинишининг олдини олиш бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2022 йил 30 декабрдаги 11/6/22-623-сонли далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида прокурор назоратини янада кучайтиришни таъминлашга имкон берган;

республика, вилоят ва туман прокуратуралари ҳамда ихтисослаштирилган прокуратураларда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатларнинг доирасини ва чегарасини белгилаш, улар фаолиятини тўғри ташкил қилишнинг ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш борасидаги масъулиятини кучайтириш лозимлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 10 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ер ресурслари талон-тарож қилинишининг олдини олиш бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2022 йил 30 декабрдаги 11/6/22-623-сонли далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармасининг вазифалари, бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгиланишига ҳамда соҳада прокурор назоратни янада кучайтиришга хизмат қилган;

прокурор назорати самарадорлигини кучайтириш учун ердан фойдаланувчилар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш чораларини кўриш, ерларнинг талон-торож қилинишини олдини олишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқишда (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 04/8-07-4-сонли далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклиф ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармасининг вазифалари, бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгиланишига ҳамда соҳада прокурор назоратни янада кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 10 та (шундан, 4 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 10 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда

технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларнинг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбекистон Республикасида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари**” деб номланиб, унда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, объекти ва ва ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил этилган. Таҳлиллар ва хорижий давлатлар (Россия, Қозоғистон) қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, диссертант ер қонунчилиги соҳасидаги давлат назоратининг, шу жумладан прокурор назоратининг предмети Ер кодексида, хусусан, “Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати” номли 83¹-моддаси белгиланиши ҳақидаги хулосани асослантиради. Диссертант ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг предметиға бу ер соҳасидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш йўналишидаги прокурор фаолиятининг йўналишларини назарда тутиб, унга қўра, фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожлантириш учун шароит яратиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш, шу жумладан вазирликлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахслари, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг раҳбарлари томонидан фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги ва улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонун талабларига мувофиқлигини текшириш ҳисобланиши, деб таъриф беради.

Тадқиқотчи ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг объектини тўғри белгилаш ва ушбу йўналишда прокурор назоратини амалга ошириш имкониятларини таҳлил этиб, Ер кодексини “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган қайта тақсимланадиган ерлар” деб номланган 58¹-модда билан тўлдириш, бундай ерлар тоифасига қишлоқ хўжалиги ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши муносабати билан жисмоний ва юридик шахслардан туман (шаҳар) ҳокимлиги ихтиёрига вақтинча қайтариб олинган вақтинча (қайта танлов ўтказилгунга қадар) фойдаланилмай турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни киритилишини белгилашни таклиф этади.

Диссертант ҳуқуқшунос олимлар ўртасида прокурор назорати объектини аниқлаш борасида яқдил фикр мавжуд эмаслигини, прокурор назорати объектини аниқлаш борасидаги фикрларни икки гуруҳга ажоратиш мумкинлигини, унга кўра биринчи гуруҳ прокурор назорати объектига қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолияти қаратилган ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндисини киритишса (О.М.Мадалиев), иккинчи гуруҳ олимлар (Б.Х.Пўлатов) прокурор назорати объектига фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани, бошқача айтганда, прокурорлар томонидан қонунийлиги ўрганиладиган ҳуқуқий ҳужжатларни киритишини кўрсатади. Диссертант бу борадаги прокурор назоратининг объектига “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида назарда тутилмаган хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, ердан фойдаланувчилар, яъни фермерлар, кластерлар ҳам киритилишини таклиф қилади. Шу ўринда келтирилган статистик маълумотларга қараганда, 2021 йилда фуқаролар, фермер ва кластер корхоналарининг 126 нафар масъул шахслари интизомий ҳамда 472 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Ёки ердан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича жавобгарликка тортилган шахсларнинг 63 нафарини фермер хўжалиги раҳбарлари ҳамда 307 нафарини фуқаролар ташкил қилади.¹ Диссертант юридик адабиётларга илгари сурилган фикр-мулоҳазалар ҳамда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлили асосида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро қилиш бўйича прокурор назоратининг объекти қуйидагиларни ўз ичига олиши ҳақидаги хулосани илгари суради:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан буйсунувидан қатъи назар бошқа идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ижро этилиши бўйича фаолияти;

прокурорлар томонидан қонунийлиги ўрганиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни юқоридаги шахслар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги.

Диссертант прокурор назоратини самарали амалга ошириш учун ер муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини турларга бўлади ва шу асосда уларни ўрганиш мақсадга мувофиқ, деган фикрни илгари суради. Диссертант ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари борасида билдирилган турли фикр-мулоҳазаларни (И.Б.Джураев, Э.Б.Хатов, В.Пашин, В.Павлюков, В.Стрельников) таҳлил қилиб, ердан ўзбошимчалик билан ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021-2022 йилларда ерга оид қонун бузилиши ҳолатлари бўйича ҳисоботлари.

ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни зудлик билан қабул қилиш ва кўриб чиқишда кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида “E-YER NAZORAT” электрон ахборот тизимининг долзарблиги, шунингдек прокуратура органлари билан тегишли идоралар ўртасида электрон ҳужжат алмашинувини кенг йўлга қўйиш, прокуратура органларининг ерга оид қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот-таҳлил ишларини кучайтириш, прокуратура органларининг ер соҳасидаги қонунчилик ижросини назорат қилиш фаолиятига инновацион технологияларни кенг жорий этишга қаратилган Стратегияни ишлаб чиқиш долзарб вазифаларидан ҳисобланиши ҳақида хулосани илгари суради.

Тадқиқотчи Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Кадастр агентлиги каби ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли махсус идоралар фаолиятини ўрганиб, уларнинг ўз зиммаларидаги вазифаларни лозим даражада бажаришларида бир қатор муммоларни аниқлайди. Ижтимоий сўров натижалари ҳам унда иштирок этган 4 595 нафар респондентлардан 2 942 нафари ёки 64 фоизи кадастр ва қишлоқ хўжалиги идораларининг бу борадаги фаолиятдан қониқмаслигини баён қилишган (1 701 нафари ушбу идоралар фаолиятини қониқарсиз ҳисобласа, 1 241 нафари улар фаолиятини қайтадан кўриб чиқишни хоҳлашган). Диссертант томонидан Ер кодексида ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қайта муомалага киритишга ваколатли давлат органини белгилаш ва унинг ҳуқуқий мақомини қонун ҳужжатларида аниқ белгилаш зарурати асослантрилиб, Бош прокуратура таркибида Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармасини ташкил этишни таклиф қилган.

Диссертант ер соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари доирасининг жуда юқорилиги, соҳада прокурор назорати самарадорлигини ошириш ва қонунийликни таъминлашга жиддий таъсир қилиши, шу сабабли, Ер кодексини қайтадан кўриб чиқиш ва ер соҳасига алоқадор бўлган барча қоидаларни унга жамлаш лозим, деган хулосани илгари суради.

Диссертациянинг **“Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг вазифалари ва прокурор назоратини ташкил этиш масалалари, ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги учун прокурорнинг таъсир чораларини қўллаш хусусиятлари таҳлил этилган. Диссертант томонидан ҳудудларда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари учраётганлиги бу борада рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этилаётганлиги, бу соҳада прокуратура органларининг вазифалари ер майдонларини, айниқса, суғориладиган ерларни ишончли муҳофаза қилиш, ерларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинishiга, ноқонуний қурилишлар

қилинишига йўл қўймаслик, ердан қонуний фойдаланувчи фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам бериш тамойиллари асосида ташкил этилишига қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. Прокуратура органлари ходимлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровда 1 835 нафар ходим ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш мақсадида прокуратура идораларининг мавжуд штат бирликлари сонини оширишни ёқлаб чиққан.

Муаллиф ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси бўйича назоратни амалга оширадиган ихтисослашган прокуратуралар ва ҳудудий прокуратура органларининг фаолияти, ваколатлари ва уларнинг чегарасига доир масалаларни ўрганиб, республика, вилоят ва туман прокуратуралари ҳамда ихтисослаштирилган прокуратураларда назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатларнинг доирасини ва чегарасини белгилаш, улар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ҳамда бу соҳада прокурор назоратини амалга ошириш борасида масъулиятни кучайтириш юзасидан таклифларни илгари сурган.

Тадқиқотчи Ш.Ж.Рахимов, О.Калугина ва бошқа олимларнинг нуқтаи назарларини ҳамда хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини таҳлил қилган ҳолда Тошкент ихтисослаштирилган прокуратурасига “Чорвоқ иқтисодий зонаси”, Тошкент вилоятидаги, Зомин ихтисослаштирилган прокуратурасига эса Жиззах вилоятидаги (Айдар-Арнасой кўллар тизими қирғоқ минтақаларидан ташқари) муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ҳамда ўрмон хўжаликлари ҳудудларида ердан фойдаланиш соҳасидаги қонунлар ижроси устидан назоратни юклаш орқали, туман прокуратураларидан айнан ушбу объектларда қонунлар ижроси устидан назорат вазифасини олиб ташлаш юзасидан таклифларни асослантиради. Ижтимоий сўров натижасига кўра, юқорида қайд этилган ихтисослаштирилган (Оролбўйи, Бўстонлик, Зомин) прокуратуралар ва ушбу ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ҳудудий прокуратураларнинг ерга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш бўйича ваколатларини мақбуллаштириш кераклиги ҳақида 3 401 нафар респондент фикр билдириб, ҳудудда соҳадаги қонунийлик ҳолатига фақатгина ҳудудий прокурор жавобгар бўлиши таъкидланган.

Диссертант ҳудудлардаги прокуратуралар ҳамда махсус прокуратураларга ерлардан фойдаланиш соҳасида қонунийликни таъминлаш каби вазифаларнинг юклатилиши орқали келгусида улар ўртасида, бир-бирини такрорлаш ва бошқа турли хил тушунмовчиликлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида республика, вилоят ва туман прокуратуралари ҳамда ихтисослаштирилган прокуратураларда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатларнинг доирасини ва чегарасини белгилаш, улар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш борасидаги масъулиятини кучайтириш талаб этилиши, бу эса Бош прокурорнинг “Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида”ги алоҳида соҳавий буйруғини қабул қилиш орқали ечим топиши мумкин деган хулосага келади. Ушбу

таклиф ижтимоий сўровда иштирок этган прокуратура ходимларининг (2 664 нафар (58 фоиз) фикри билан ҳам қўшимча асослангилган.

Диссертант ердан фойдаланиш соҳасидаги қонунийликнинг аҳволига танқидий назар ташлаган ҳолда, ушбу соҳада прокурор назоратини ташкил этишда прокурорлар ерларни талон-торож қилинишини олдини олиш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни ва имкониятларни яратиш, ерлардан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини қатъий қўллашга асосий эътиборни қаратишлари лозимлигини, ушбу масала Бош прокуратуранинг Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси фаолият йўналишларининг муҳим қисми сифатида белгиланишини таклиф қилади.

Диссертант 2018-2021 йилларда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан прокурор томонидан ўтказилган назорат тадбирларида қўлланилган жами 27 611 та назорат ҳужжатларининг 17 561 таси ёки 63,6 фоизи протест, 3 297 таси ёки 11,9 фоизи қарор, 1 959 таси ёки 7 фоизи тақдимнома, 2898 таси ёки 10,5 фоизи огоҳлантирув ҳисобланганлигини¹ кўрсатиб, бугунги кунда прокурор назорат ҳужжатлари мажмуи ер эгаларини тўлақонли ва самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш имконини бермаётганлигини, ноқонуний қурилма аниқлангандан кейин ихтиёрий бузиш учун 15 кун муддат берилиши, ихтиёрий бузилмагандан кейин 2 кун ичида ҳокимлик махсус комиссиясига хабарнома киритилиши, комиссия 3 кун ичида судга даъво ариза киритилиши, фуқаролик ишини судларда кўриш ва ҳал қилиш учун муайян муддат талаб этилиши, муддатларнинг бундай узунлиги ноқонуний қурилиш бошланган вақтда аниқланадиган тақдирда ҳам то суд қарори ижрога тушгунга қадар ушбу қурилишнинг давом этишига шароит яратиб бериб, келгусида уни бартараф қилинишига қийинчиликлар келтириб чиқаришини баён этади. Шу сабабли, диссертант ўзбошимчалик билан эгалланган қишлоқ хўжа-лигига мўлжалланган ер участкаларини қайтариш ва бундай ер участкаларида қурилган уй-жой, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк объектларини бузиш билан боғлиқ ишларни соддалаштирилган тартибда юритиш билан боғлиқ нормаларни ФПКда киритиш таклифини илгари суради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари”** деб номланиб, унда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш бўйича хорижий тажриба таҳлили, ер соҳасида назоратни амалга оширувчи давлат органларининг ҳамкорлиги ҳамда прокурор назоратини ривожлантириш истикболлари тадқиқ этилган.

Диссертант Россия, Қозоғистон, Беларусь, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон давлатларида мамлакатимиз қонунчилигига ўхшаш тарзда ерга оид қонунчилик ижроси устидан ихтисослашган назорат тегишли вазирликлар томонидан амалга оширилса, ушбу органлар томонидан қонунга риоя этилиши устидан махсус прокурор назорати прокуратура органлари томонидан амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона ҳисоботлар портали. [Электрон манба]. <http://report.bp.gov> ва <http://oldreport.bp.gov>.

оширилиши белгиланганлиги қайд этилади. Аксинча, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Испания каби хорижий мамлакатлар тажрибасида ер майдонларини навбатма-навбат хусусийлаштириш орқали, ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши юзасидан давлат назорати камайтирилиб, бу борадаги низолар ёки ҳуқуқбузарликлар кўпроқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар шаклида охир-оқибат ихтисослашган суд орқали ҳал қилиб келинаётганлиги таъкидланиб, келажакда мамлакатимизда ҳам ерлардан фойдаланиш соҳасидаги низоларни фақатгина суд тартибида ҳал қилиш, кўпроқ молиявий чоралар орқали қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан муносабат билдириш тенденцияси ривожланиши прогноз қилинади.

Тадқиқотчининг фикрича, мамлакатимиз ер қонунчилигида ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган махсус ваколатли идоралар доирасининг аниқ белгиланиши лозим. Диссертант Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ўз зиммасига юклатилган вазифаларини амалга оширишда прокуратура органлари билан ҳамкорликни қандай тартибда ва шаклларда рўёбга чиқариши, республикада ер ислохотларини амалга ошириш ва қонунчиликда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари қонун ҳужжатларида мавжуд эмас, деган хулосага келади. Унинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида қонунийликни таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида”ги Тартиб лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Диссертант ерларнинг талон-торож қилинишини олдини олишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, прокурор назорати самарадорлигини кучайтириш учун ердан фойдаланувчилар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш чораларини кўриш, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кучайтириш юзасидан таклифларини асослантиради.

ХУЛОСА

“Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Прокурор назоратига оид илмий-назарий хулосалар:

1. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг предмети – прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожлантириш учун шароит яратиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участка-

ларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш, шу жумладан вазирликлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахслари, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг раҳбарлари томонидан фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги ва улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонун талабларига мувофиқлигини текшириш ҳисобланади.

